Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Халқ сўзи


Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

10 АВГУСТ, СЕШАНБА. № 155 (650). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

Москвадаги учрашув:

АСОСИЙ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ



Россия ва Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Москвадаги учрашуви эиг муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланди. Унда Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги ҳозирги кескин вазиятни барқарорлаштириш йўллари белгиланибгина қолмай, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик учун чинакам истиқболлар ҳам белгилаб олинди.

Россия Федерацияси пойтахтидаги учрашувда қатнашган давлат бошлиқлари иқтисодий масалаларга бағишлаб учрашув ўтказиш зарурлиги ҳақида Ҳамдўстлик мамлакатларининг барча раҳбарларига мурожаатнома, МДҲ чегараларининг дахлсизлиги ҳақида баёнотнома, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазиятни изга солиш чоралари тўғрисида баёнот, Афғонистон билан чегарада вазиятнинг кескинлашгани тўғрисида БМТ Бош котибига мурожаатнома қабул қилдилар. БМТ Бош котибига мурожаатномада мозаро давом этаётган жойга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчиларини юбориш илтимос қилинган.

Имзоланган ҳужжатлар рўйхатининг ўзи Москвада давлат бошлиқлари тўла ҳамжиҳатликка эришганликларини кўрсатиб турибди. Июль ойининг охирида Алматида музокара олиб борган Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев шу учрашув ташаббускори бўлгани ҳаммага маълум. Улар Алматида Ҳамдўстлик мамлакатларининг барча раҳбарларига мурожаатнома қабул қилган эдилар. Россия, Қирғизистон ва табиийки, Тожикистон бу мурожаатномага дарҳол жавоб қайтардилар. Туркманистон эса ўзи ўтказаётган сиёсатдаги анъанага мувофиқ Москвага кузатувчи юбориш билан чекланиб, бетараф бўлиб турибди.

Аввалига кўпгина шарҳловчилар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Россия пойтахтига келишини навбатдаги учрашувлардан бири, бу учрашув МДҲ ҳали ҳам мавжудлигини, собиқ Иттифоқнинг мустақил республикалари ўртасидаги муносабатларда аҳиллик кўзга ташланаётганлигини кўрсатишдан нборат, бўлади, деб ҳисобланган эдилар. Кўриниб турибдики, бундай тахминлар асоссиз бўлиб чиқди.

Бунинг устига, муайян «демократик» кучлар Ислом Каримовнинг учрашувга келиши арафасида можаро чиқаришга уриниб кўрдилар. Бир мунча нашрларда Тоғли Бадахшон раҳбариятининг гапларига асосланиб, шов-шувга сабаб бўладиган янги хабар босилиб чиқди: гўёки Ўзбекистоннинг белгилари туширилган ҳарбий самолётлар тоғдаги қишлоқларни бомбардимон қилаётган, қуролсиз кишилар ҳалок бўлаётган эмиш!

— Бундай тутуриқсиз гапларни тутуриқсиз одамларгина тарқата олади, — деди Ўзбекистон Президенти бу хусусда қатъият билан. — Тўғри, қўшни Тожикистондаги вазиятга биз бефарқ қараб тура олмаймиз. Лекин, фақат Тожикистон халқининг ўзи муаммоларни ҳал этиши, тараққиёт йўлини танлаб олиши лозим. Мустақил давлатнинг ички ишларига ҳарбий йўл билан аралашиш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳақиқатан ҳам, кейин радия эълон қилинди. Тоғли Бадахшондаги қишлоқларни чиндан ҳам Миг—21 самолётлари бомбардимон қилган экан. Марказий Осиё давлатларининг армиясида эса бундай самолётлар йўқ. Чамаси, афғонистон ҳудудидан учиб келган самолётлар ҳужум қилган. Бундай самолётлар ўша ердаги аэродромларда бор.

Россия пойтахтига Нурсултон Назарбоев бир кун олдин етиб келиб, Борис Ельцин билан унинг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида яккамаякка суҳбат ўтказганлиги ҳам кузатувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айрим кузатувчилар буни Назарбоевнинг Россия бошлиғига тазйиқ ўтказиб, уни Марказий Осиё давлатлари томонига оғдиришга интилиши, деб ҳисобладилар.

— Бунақа гап бўлган эмас, — деди Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда. — Москвада тўпланиш ташаббуси Борис Николаевичнинг ўзидан чиққан. Музокара арафасида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувимизга келганда эса, бунинг сабаби битта, яъни, Россия билан Қозоғистон ўртасидаги икки ёқлама шартномани имзолаш эди.

...Еттинчи август куни эрталаб Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Кремлга келдилар. Борис Ельцин билан салом-аликдан сўнг уч давлат бошлиқлари Екатерина даврида қурилган ҳашаматли меҳмонхонага йўл олдилар.

— Имомали Раҳмонов қаерда, Аскар Акаев нега келмади? — деб ҳайрон бўлишар эди журналистлар. — Наҳотки улар учрашувга таклиф этилмаган бўлса?

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сузи" ва ЎзА мухбирлари хабар киладилар

МУСТАҚИЛЛИККА ТАТИГУЛИК ТАШАББУС

СИРДАРЁ иолхозлараро қурилиш трести жамоаси 1993 йилда битказипадиган ҳамма қурилишларни Мустақиллик кунигача тугатишга қарор қилди.

БИРИНЧИ сентябргача 25 миллион сўмликдан зиёд маблаг ўзлаштирилиб, салкам ўн минг квадрат метр уй-жой, 3.312 ўринли мактаб, 270 болага мўлжалланган боғча, дон ва ўғитлар сақланадиган бир неча омбор, ёзги ва қишки санъат саройлари байрамга тахт қилиб қўйилади.

«ЗИЕКОР» — ДЕҲҚОНГА ИЛМИЙ КЎМАКЧИ



Ш. РАШИДОВ туман марказ Пахтаободаги таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасида «Зиемор» кичик корхонаси иш бошлади. Унинг вазифаси дала меҳнаткашларига илмий ёрдам кўрсатишдир. Кичик корхонага тажрибали ишчилар таклиф этилган. Чилангар Ҳолмуҳаммад Исматов шуларнинг бири.

ҲОСИЛОТ МОЙЖУВОЗЧИ БЎЛДИ

ЗАРАР кўриб ишлаётган хўжаликлар хусусийлаштирилиб, фермер хўжаликлари кўпайган сари ҳосилотнинг ёрдамига эҳтиёж қолмаяпти.

ҲОСИЛОТ бўлиб ишлаб келган Рустам Ҳолиқулов буни тўғри англаб, одамларга фойдали бошқа касбни ихтиёр этди. Кунжут мойи чиқарадиган жувоз қуриб ишга туширди. Ибн Сино номли жамоа хўжалигидаги бу мойжувознинг таърифи Хатирчи туманига кенг ёйилди.

ЧОРВАДОР ХУСУСИЙ МУЛК ЭГАСИГА АЙЛАНДИ

ФОРИШ туманидаги К. Маркс номли давлат хўжалигининг 3 мингдан зиёд қорамоли 36 кишига хусусий мулк қилиб берилди.

ХЎЖАЛИКДАГИ гўшт етиштиришга ихтисослашган 36 та фермининг ҳаммаси шу тариқа хусусийлаштирилди. Фермерлар етиштирилган маҳсулотнинг тенг ярмини давлат харид баҳосида хўжаликка топшириб, қолганини истаган жойларида эркин нархда сотаверадилар. Дастлабки йили даромадларининг ўн фоизини хўжаликка тўлашади.

ХОНАДОНЛАРГА ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ

БОЙВУТ туманининг У. Юсупова ва Пушкин номли, «Бойвут» давлат хўжаликлари хонадонларида замгори олов ёнди.

СИРДАРЁ вилоятида йил бошидан бери 82 чақирим газ қувурлари ётқизилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоиз кўп. Демак, қишлоқ хонадонларини газлаштириш суръатлари жадаллашаяпти.

ТЕХНИКА СОЗ, МАШАҚҚАТ ОЗ



ТАХИАТОШ дон маҳсулотлари комбинатининг ун ва гуруч цехларни қайта таъмирланиб, Швейцариянинг «Баллер» фирмаси лицензияси билан тайёрланган технологияи ускуналар ўрнатилди. Бу билан иш жараёнларини тўла автоматлаштириш сари қадам қўйилди, маҳсулотнинг сифати ҳам кафолатланди. **СУРАТДА:** А. Киличева билан Ольга Усенкова ун сифатини текширишмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР ✲ ФАКТЛАР ✲ ВОҚЕАЛАР ✲ ЯНГИЛИКЛАР ✲ ФАКТЛАР ✲ ВОҚЕАЛАР

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ

МУРОЖААТНОМАСИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиқлари 1993 йил 7 августдаги Москва учрашувида умуман Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тараққиёти истиқболларига тааллуқли бир қанча масалаларни муҳокама қилиб, МДҲ давлат бошлиқлари кенгашининг Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий иттифоқини бунёд этиш тўғрисида шу йил 14 майда қабул қилган қарори қандай бажарилаётганини кўриб чиқиш учун 1993 йил 7 сентябрда Москвада тўпланиш ҳақида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқларига мурожаат этадилар.

Қозоғистон Республикаси номидан
Нурсултон НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
Аскар АКАЕВ

Россия Федерацияси номидан
Борис ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан
Имомали РАҲМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ислом КАРИМОВ.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОШ КОТИБИ ЖАНОБ Б. БУТРОС ҒОЛИЙГА

Муҳтарам Бош котиб жаноблари,

Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазият ғоят кескинлашгани сабабли Сизга мурожаат қилмоқдамиз. Иш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган мустақил давлат — Тожикистон Республикасининг ҳудудига кенг кўламда ҳужум қилишгача бориб етмоқда. Сўнгги пайтда Афғонистон ҳудудидан чегарани ёриб ўтиш ва Тожикистонда қуролли можарони анж олдириш мақсадида ҳарбий операциялар ўтказилмоқда. Тожик мухолифати жангарилари ҳамда уларни қўллаб-қувватлаётган айрим афғон қуролли гуруҳларининг ўққа тутиши ва ҳужуми натижасида тинч аҳоли орасида қурбонлар кўпаймоқда. Тожикистон давлат чегарасини қўриқлашда иштирок этаётган аскарларимиз ҳалок бўлмоқда.

Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон МДҲ доирасида коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шу шартномага мувофиқ ва БМТ низомининг 51-моддасига мувофиқ ўзини якка ва коллектив мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга ошириш тарзида биз Тожикистонга қўшимча ёрдам, шу жумладан ҳарбий ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Биз куч ишлатиш усулини эмас, балки можарони сиёсий бартараф этиш йўлларини излашни танлаб олдик. Бунинг учун имконият борлигига ишончимиз комил. Афғонистонда ҳам масалага масъулиятли ёндашув устун келиб, Тожикистон ҳудудига қурол билан бостириб киришга йўл қўймаслик юзасидан таъсирчан чоралар кўрилади, деб умид қиламиз.

Муҳтарам Бош котиб жаноблари,

Биз Афғонистон ҳамда минтақадаги бошқа давлатлар билан, барча манфаатдор томонлар билан кенг амалий мулоқотга тайёрмиз.

Бу соҳадаги саъй-ҳаракатларимизга кўмаклашишни қатъий илтимос қилиб сизга мурожаат қилмоқдамиз.

Минтақадаги тинчлик ва хавфсизликка таҳдидни зътиборга олиб, БМТ хавфсизлик кенгашидан Тожикистон — Афғонистон чегарасида вужудга келган хавфли вазиятни сира кечиктирмай кўриб чиқишни ҳамда шу чегаранинг дахлсизлигини таъминлаш чораларини кўришни, жумладан, БМТ кузатувчиларини юборишни илтимос қиламиз.

Қозоғистон Республикаси
Ташқи ишлар вазири
Т. СУЛЕЙМОНОВ

Тожикистон Республикаси
Ташқи ишлар вазири
Р. ОЛИМОВ

Қирғизистон Республикаси
Ташқи ишлар вазири
Э. ҚОРАБОЕВ.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазири
С. САИДҚОСИМОВ

Россия Федерацияси
Ташқи ишлар вазири
А. КОЗИРЕВ

ТОЖИКИСТОН — АФҒОНИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ ВАЗИЯТНИ ИЗГА СОЛИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

БАЁНОТ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиқлари Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазиятни изга солиш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида 1993 йил 7 август куни Москвада кенгаш ўтказдилар.

Кенгаш қатнашчилари вазият жиддий равишда чигаллашганидан қаттиқ ташвишланаётганликларини билдирдилар. Тожик мухолифати жангарилари ҳамда уларни қўллаб-қувватлаётган айрим афғон қуролли гуруҳларининг ҳаракатлари, Тожикистон ҳудудига мунтазам бостириб кирдилар. Бунинг оқибатида тинч аҳоли, чегарачилар ва бошқа ҳарбий хизматчилар кўплаб ҳалок бўлаётгани алоҳида ташвиш уйғотмоқда.

Давлат бошлиқлари қуйидагиларни маълум қиладилар:

1. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг асосий ҳужжатларига ҳамда Тожикистон Республикаси билан икки томонлама битимларга амал қилган ҳолда, Тожикистон—Афғонистон чегарасини МДҲнинг умумий чегараси, деб ҳисоблайдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЧЕГАРАЛАРНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА

БАЁНОТНОМА

Мазкур баёнотномани имзолаган давлатлар, ўзларининг БМТ низоми ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши принципларига, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг муҳим ҳужжатларига содиқлигини тасдиқлаб,

давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларнинг дахлсизлиги халқаро муносабатларда асосий омил эканлиги ҳамда уларга риоя қилиш халқлар ўртасида тинчликни, хавфсизликни, барқарорликни сақланишнинг муҳим шарти эканлигини таъкидлаб,

давлатларнинг ҳудудлари дахлсиз бўлиб, БМТ низомини бузган ҳолда куч ишлатиш нуқтасига айланмаслиги лозимлигини эслатиб,

ўз чегараларининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирмаган мамлакатлар томонидан бузиш ҳоллари юз бераётганидан ташвишланиб,

БМТ низомининг 51-моддасига мувофиқ давлатларнинг ўзини манфаатларини якка ва коллектив химоя қилиш ҳуқуқига асосланиб,

қуйидагиларни баён қиладилар:

(Давоми 2-бетда).

ТОЖИКИСТОН — АФҒОНИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ ВАЗИЯТНИ ИЗГА СОЛИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА БАЁНОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Тожикистон — Афғонистон чегарасида хавфсизликни таъминлаш юзасидан барча зарур ва шошилинч чоралар кўрилади ҳамда шу мақсадда чегарани қўриқлаётган ҳарбий кучлар Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон чегара қўшинлари ва қуролли кучлари таркибидаги бўлинмалар билан кучайтирилади.

3. Тожикистон Республикасига қўшимча равишда ҳарбий, иқтисодий ва инсонпарварлик ёрдами берилади, шунингдек, ўз давлатининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишни мустақил равишда таъминлашга қодир бўлган миллий қуролли кучлар ва чегара қўшинларини тезкорлик билан барпо этишда кўмаклашилади.

4. Ташқаридан қуролли ҳужум давом этаверган тақдирда, МДҲ мамлакатларининг коллектив хавфсизлиги тўғрисидаги шартноманинг қоидаларига, Тожикистон билан икки ёқлама битимларга, шунингдек, БМТ Низомининг 51-моддасида кўзда тутилган ўзини якка ва коллектив мудофаа қилиш ҳуқуқига мувофиқ равишда бу ҳужумларга чек қўйиш юзасидан тегишли жавоб чоралари кўрилади.

5. Можарони сиёсий йўл билан бартараф этиш асосий йўл бўлиб қолаверади. Кенгашда қатнашаётган давлатлар шу йўл билан можарони бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайдилар ва унда фаол иштирок этишга тайёрдирлар.

6. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг тинчлик жараёнини давом эттириш, фуқаро ва миллий тотувликка эришиш ҳамда мамлакатнинг демократик йўлдан ривожланиши учун шароит яратиш мақсадида турли йўналишдаги сиёсий кучлар билан мулоқотни йўлга қўйиш муддаоси тўла қўллаб-қувватланади.

7. Минтақада тинчлик ва барқарорлик манфаатларини кўзлаб, Афғонистон билан яхши қўшничилик муносабатлари ва ҳамкорлик ўрнатишга тайёрлик тасдиқланади. Бунда афғон томонидан қўшни давлатларга қарши душманчилик ҳаракатлари ҳамда уларнинг ички ишларига аралашиш учун Афғонистон ҳудудидан фойдаланишга йўл қўймаслик мақсадида шошилинч чоралар кўрилиши кутилади.

Кенгаш қатнашчилари жаҳон ҳамжамиятига мурожаат этиб, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазиятни изга солиш ва Тожикистондаги можарони сиёсий йўл билан бартараф этишга доир саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга чақирадилар. Шунингдек, улар минтақадаги барча мамлакатлар тинчлик жараёнига кўмаклашадилар, шу жумладан қуролли тожик мухолифатини, ҳунрезликни тўхтатишга ва амалий мулоқот бошлашга даъват этадилар, деб умид қиладилар. Улар ана шу мамлакатлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишга ва можаронн тинч бартараф этиш йўллари тўғрисида музокара олиб бориш учун ўзларининг махсус вакилларини юборишга тайёрдирлар.

Беш давлат бошлиқлари бу саъй-ҳаракатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши қўллаб-қувватлашига, жумладан Тожикистон—Афғонистон чегарасига БМТ кузатувчиларини юборишга ҳамда Тожикистонга одамийлик ёрдами ва техника билан ёрдам берилишига умид қиладилар.

Кенгаш қатнашчилари МДҲга аъзо бўлган бошқа давлатларни можаро оқибатларини тугатишда Тожикистонга ёрдам беришга чақирадилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар АКАЕВ

Россия Федерацияси Президенти Борис ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали РАҲМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ

ЧЕГАРАЛАРНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА БАЁНОТНОМА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлар чегаралари дахлсизлигини таъминлаш уларнинг биргаликдаги муҳим ҳаётий манфаатдор соҳаси, муштарак иши бўлиб, кўп томонлама ва икки томонлама асосда амалга оширилади.

2. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлар ўз чегараларига қилинган ҳар қандай тажовузкорлик ҳаракатини ғайриқонуний ҳаракат деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳаракатлар халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосан ўзини якка ёки коллектив ҳимоя қилиш мақсадида, жумладан, қуролли куч қўллаб тегишли жавоб чораларини кўришга асос бўлади. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлар ҳар бирининг ҳудудига ташқаридан бостириб киришга уринишларга биргаликда чек қўядилар ва зарба берадилар.

3. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлар ўз ҳудудларида ҳар қандай шахс, гуруҳ ёки ташкилотнинг шу давлатлар чегараларининг дахлсизлигини бузишга қаратилган ҳаракатларининг олдини оладилар ва бундай ҳаракатларга зарба берадилар.

4. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлар бошқа давлатлар билан умумий чегаралари дахлсизлиги учун биргаликда жавобгардирлар. Шу билан бирга, мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатларнинг биронтаси иккинчи давлат чегараси хавфсизлигини бир томонлама таъминлаш мажбуриятини олмайди.

5. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлар барча манфаатдор томонлар иштирокида музокаралар йўли билан чегаралардаги қуролли можаролар.нинг олдини олиш ва тўхтатиш йўлларини излашга тайёр эканликларини билдирадилар.

Қозоғистон Республикаси номидан Нурсултон НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан Аскар АКАЕВ

Россия Федерацияси номидан Борис ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан Имомали РАҲМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан Ислом КАРИМОВ

6. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлардаги ички барқарорлик уларнинг чегараларида хавфсизликни таъминлашнинг зарур шартидир. Шунинг учун бу давлатларнинг ҳар бири бундан кейин ҳам инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш негизида жамиятнинг демократик асосларини мустаҳкамлаш, миллий тотувликка эришиш йўлида зарур чора-тадбирларни амалга оширадилар.

7. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлар қўшни давлатлар ва умуман халқаро ҳамжамият бу баёнотноманинг асосий қоидаларини тўғри англаган ҳолда уларни қўллаб-қувватлашларига умид билдирадилар.

Қозоғистон Республикаси номидан Нурсултон НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан Аскар АКАЕВ

Россия Федерацияси номидан Борис ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси номидан Имомали РАҲМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан Ислом КАРИМОВ

АСОСИЙ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ярим соатдан сўнг бу саволларга жавоб олинди. Аскар Акаев билан Имомали Раҳмонов мутахассислар ҳамроҳлигида Крамльнинг Екатерина залига олиб борадиган баланд зинадан шошилиб чиқиб боришарди. У ерда беш раҳбарнинг музокаралари Ташқи ишлар вазирлари ва Мудофаа вазирлари иштирокида давом эттирилди.

Ҳар ҳолда, олий даражадаги учрашув нима учун уч раҳбарнинг яккама-якка суҳбатидан бошланди? Кейинчалик маълум бўлишича, унда ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик, Россия марказий банкининг яна кутилмаган тадбирларни амалга оширишига йўл қўймаслик масалалари муҳокама қилинган. У ерда А. Акаевнинг иштироки шарт эмасди, чунки, Қирғизистон ўз миллий валютасини жорий этган. У фақат чегараларни сақлаб қолиш ҳамда МДҲ доирасида коллектив хавфсизликни мустаҳкамлаш муаммоси ҳал этилишидан манфаатдор эди.

Имомали Раҳмоновга келганда шуни айтиш керакки, Тожикистондаги мураккаб сиёсий ва иқтисодий вазият бу республика раҳбариятига ҳеч қандай муқобил йўл қолдирмаяпти. Рубль — Тожикистон учун бирдан-бир мақбул валюта. Унинг меъёрий муомалада бўлиши, ёки жоиз бўлса, мустаҳкамланиши учун Тожикистонда мустақил равишда ҳозирча ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Бу республика Ҳамдўстликдаги қудратлироқ ва барқарор давлатлар изидан боришга мажбур бўляпти. Унинг яқин қўшнилари — Ўзбекистон билан Қозоғистон ана шундай давлатлардир.

Уч давлат раҳбарларининг учрашуви чоғида Борис Ельцин қисқача баёнот берди. Унинг мазмуни қуйидагича: Тожикистон — Афғонистон чегараси фақат Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг эмас, айни пайтда Россиянинг чегараси ҳамдир. У ерда барқарорликка эришиш учун шу тегарадаги мусулмон давлатларининг, яъни, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларнинг раҳбарлари билан бир стол атрофида ўтириб музокара бошлаш зарур. Тожикистон раҳбарияти ички муаммоларни сиёсий йўл билан, биринчи навбатда мухолиф кучлар билан мулоқот бошлаш йўли билан ҳал этиши лозим. Лекин, Россия бошқа барча манфаатдор мустақил республикалар каби чегарани мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳалок бўлишига ва қон тўкилишига йўл қўймаслиги керак.

Ҳозир Россия пойтахтидаги учрашув муваффақиятли ва самарали бўлди, деб ишонч билан айтиш мумкин. МДҲ давлатлари бошлиқларининг амал қилмаётган юзлаб ҳужжатлар қабул қилинган, кенгайтирилган мажлисларидан фарқли ўлароқ, бу ерда ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Бу қандай йўналишлар?

— Москвадаги учрашув Тожикистон муаммоси ҳамда унинг Афғонистон билан чегарасидаги кескин вазият доирасидан анча ташқарига чиқиб кетди, — деди Ислом Каримов. — Биз иқтисодий масалаларга катта эътибор бердик. Энг муҳими шундаки, барча давлат бошлиқлари ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарур, деган яқдил фикрни айтдилар. Ўзбекистон ҳам Қозоғистон каби рубль зонасида қолади. Бу халқларимизнинг манфаатлари ва орзу умидларига мос бўлиб тушади. Бунинг устига, Россия Федерациясининг раҳбарияти Марказий банк йўл қўйгани каби молиявий тартибсизликларга энди ҳеч йўл қўйилмайди, деб ишонтиради. Лекин, бу — биз ўз миллий валютамизга ўтмаймиз, деган гап эмас. Бу йўналишдаги ишлар давом этмоқда. Лекин, Ўзбекистон ҳам Қозоғистон каби ўз валютасини жорий этиш учун зарур шароитни яратгани йўқ. Шошма-шошарлик билан ҳаракат қилишга не ҳожат? Ахир, бундай ҳаракат дарҳол миллионлаб одамларнинг тақдирига таъсир этадиккуI Биз уч мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик йўлларини белгилаб олдик. Лекин, бундан рубль зонаси эндиликда Ҳамдўстликнинг бошқа республикалари учун беркитиб қўйилди, деган маъно чиқмайди.

Энди Тожикистон муаммоси ҳақида. Бу муаммо бугун минтақавий зиддиятдангина иборат эмас. Гарчи чегарада давом этаётган бўлса ҳам, бундай шароитда урушга йўл қўйиб бўлмайди. Фақат мухолиф кучлар ҳамда қўшни давлатлар раҳбарлари билан сиёсий мулоқотгина «жафокаш тожик диёрида тинчлик бўладими ёки йўқми?» деган ҳаётий муҳим саволга жавоб бериши мумкин.

...Шундай қилиб, Москвадаги учрашув тугади. Учрашувда қатнашган давлат бошлиқларининг таклифига биноан Россия пойтахти етилган иқтисодий масалаларни ҳал этиш, меъёрий ва маърифий ҳамкорликка эришиш учун еттинчи сентябрь куни Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларини кутиб олишга тайёрдир. Ҳозир бундан бошқа йўл йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас!

Л. ЛЕВИН,
ЎзА махсус мухбири.
Москва.



Ҳикматой Исроилованн Янгиқўрғон туманида кўлгина ибратли ташаббусларнинг бошловчиси, қўли енгил шифокор сифатида яхши билишади. Вилоят Кенгаши депутати, Янгиқўрғон тумани поликлиникаси шифокори, ёшлар устози Ҳикматой опа кўпгина хайрли ишларни амалга ошираётир. Дори-дармонлар танқис бўлиб турган ҳозирги шароитда опа ва унинг ҳамкасблари фитобар — доривор ўсимликлардан тайёрланган ичимликлар билан муолажа қилувчи маскан ташкил этишди. Ҳозир бу маскан меҳнаткашларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

СУРАТДА: ташаббускор шифокор, жонкуяр депутат Ҳикматой Исроилова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ЯХШИЛИККА ДАЪВАТ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон рассомлар галереясида рассом Анвар Мирсоатов асарлари намойиш этилаяпти.

МУСАВВИР табиат, тарих шайдоси. Бу у яратган асарларда ҳам яққол акс этган. Экспозициядан жой олган «Қишлоқ манзараси», «Самарқанд обидалари», «Таниш чеҳралар» сингари картиналари одамларни аждодлардан мерос қолган қадимий имораторларни, табиатни асрашга, авайлашга ундайди.

РИСОЛА МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг» рисоласи муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмаси раиси Жамол Камол Президентнинг ушбу асари тобора яқинлашиб келаётган истиқлолимизнинг икки йиллиги арафасида босиб ўтилган йўлнинг ўзига хос сарҳисоби бўлганлигини айтиб, китобдан ўрин олган Президентнинг мухбирлар билан бўлган суҳбатларида Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ўз йўли борлиги аниқ дастурий фикрлар асосида кўрсатиб берилганлигини таъкидлади.

Йиғинда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Одил Ёқубов, шунингдек адабиётшунос олим Тўра Мирзаев, публицист Аҳмаджон Мелибоев, Тўлқин Қозоқбоев, шоирлар Борот Бойқобилов, Султон Акбарий ва бошқалар мазкур рисолани бугунги ҳаётимизда тутган ўрни ва унинг бош ғояларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида сўз юритишди.

ПАЙШАНБА ВА ЯКШАНБАДА

БУХОРО шаҳридаги иккита катта бозорни пайшанба ва дам олиш кунлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Вилоят туманлари бозорларга навбатма-навбат маҳсулот келтиришмоқда.

Бундай хайрли тадбир туфайли сифатли маҳсулот харид қилаётган шаҳарликлар деҳқонларга раҳмат айтишяпти.

М. ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Замин дарди—инсон дарди*

Охирги икки-уч йилни ҳисобга олмаганда кейинги етмиш йил давомида мамлакатимизда экология ишларига эътибор берилмади ҳисоб. Натижада табиат ресурсларидан фойдаланишда инсоннинг мавқеи бекад ошириб юборилди. Кўпчилик замондошларимиз «Биз табиатдан ниъом кутиб туролмаймиз», ундан тортиб олиш бизнинг вазифамиздир» деган чақириқларни ахши биладилар. Ҳаёт бу шиорларнинг бутунлай нотўғрилигини кўрсатди.

Бугуиги кунда авлодларимизнинг бундай гумроҳлигига жавобан мамлакатимизда экологик хавфсизлик энг масъулиятли ва энг муҳим вазифалардан бирига айланди.

1990 йилнинг март ойида ташкил топган қўмитамиз, вилоят табиатни қўриқлаш, овчилар ва балиқчилар жамиятлари ҳамда бир қатор тегишли вилоят ташкилотлари билан ҳамкорликда бу борада бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида қўмитамиз инспекторлари томонидан ер, ҳаво, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича 1008 та объект, текшириб кўрилди. Натижалар шуни кўрсатяптики, ҳали жойларда онатабиатни, унинг бебаҳо бойликларини қўриқлаш, ва кўпайтириш масаласи нечоғлик муҳим ва долзарблиги тушуниб етилмаяпти. Раҳбар ва мутахассисларнинг, аҳолининг экологик савияси етарли эмас. Назоратчиларимиз томонидан берилаётган кўрсатмалар, табиатни муҳофаза қилишга оид амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ўта суст бажарилмоқда. Шунинг учун ҳам шу йилнинг ўзидаёқ корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассисларига йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича 513 та ёзма кўрсатма юборилди.

Назоратчиларимиз кўрсатмаларни бажармаган 234 нафар раҳбар ва мутахассисларга, алоҳида шахсларга жами 575000 сўм миқдорда жарима солишди. Табиат муҳофазасига оид тадбирларни режалаштиришда тартиб, қаттиқ назорат ўрнатилмоқда. Атроф-муҳит муҳофазаси қоидалари ва нормаларини бузувчиларга нисбатан корхоналар, цехлар, участкалар ишини тўхтатиб қўйиш ва ҳатто ишни прокуратура органларига топширишгача жазо чоралари кўрилмоқда.

Масалан, олдинги берилган ёзма кўрсатмаларни бажармаганлиги ва атроф-муҳитга чиқарилиб юборйладиган чангни ушлаш ускуналаридан етарли фойдаланмаганлиги учун Сирдарё асфальт-бетон заводи, Янгиер бетон заводи ва яна бешта бир қатор корхоналар фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйишга тўғри келди.

Биз табиатга келтирилаётган зарарларни имконн борича камайтириш чора-тадбирларини ҳам кўряпмиз. 1993 йилнинг биринчи чорагида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича белгиланган 47 та тадбирнн бажариш учун жами 959,9 миниг сўм маблағ сарфланди.

Вилоят «Хлопкопром» акционерлик жамиятига қарашли пахта тозалаш заводларида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширилиши натижасида ҳавога чиқаётган пахта чанги 47 тоннага камайди. Ер ҳаёт, ризқ-рўзимиз манбаи. Вилоятимизнинг умумий ер майдонидан 274,5 минг гектари суғориладиган ҳайдалма ерлардир. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат назоратчнлари ер тузилиши ва ердан унумли фойдаланнш бўйича ҳам бир қатор нишларни амалга ошнрдилар. Шу йилнинг ўтган даврнда ушбу йўналиш бўйича 405 та хўжалик, ташкилотлар назоратдан ўтказнлиб, йўл қўйилган камчиликлар бўйича 84 нафар раҳбар на мутахассисларга 133,6 минг сўм миқдорида жарима солинди.

Қатор хўжаликларда ердан ва минерал ўғитлардан фойдаланишнинг аҳволи бўйича комплекс текширув ўтказишни мўлжаллаб турибмиз.

Олимларнинг аниқлашларича, бир туп ўрта яшар дарахт 10 та кондиционер беради ган мўътадил иқлим яратиш қобилиятига эга. Аммо бизнинг вилоятимизда дов-дарахтлар атиги 1 процентни, суғориладиган ерларнмизнинг эса 3 процентинн ташкил қилади. Биз нуқул экин майдонларини кўпайтираверіб, боғ-роғлар, дарахтзорлар, тўқайзорларнинг табиий мувозанатини бузиб юбордик. Ҳатто саҳро республикаси ҳисобланган Туркманистонда ҳам дов-дарахтлар республика ҳудудининг 14 фоизини ташкил этади. Грузияда эса 38 фоизни, Россия Федерациясида 42 фоиз майдон дов-дарахтлар билан қопланган.

Ҳар йили вилоят бўйича 5—6 млн, атрофида кўчат экилади. Бироқ экилган кўчатларнинг асосий қисми жойлардаги мутахассис ва хўжалик раҳбарларининг эътиборсизлиги оқибатида қуриб кетади. Экин экиш, қурилишлар олиб бориш боғонаси билан жуда кўп миқдорда дов-дарахтлар кесиб юборилиши билан ҳеч ким келишиб бўлмайди. Ширин шаҳрида ана шундай бебошлик, инсофсизлик оқибатида «Янги қурилаётган уйлар учун жой ажратяпмиз» баҳонаси билан 50—60 йилларда Бекобод шамолига қарши экилган катта майдондагн яшнл зоналар кесиб юборилди.

Тўғри, биз бу масаланн шаҳар ҳокимияти раҳбарлари билан бирга муҳокама қилиб, ваҳшийликка бир мунча чек қўйдик. Бироқ кесиб юборилган юзлаб дов-дарахтларнинг ўрнини қоплай оламизми? Унинг товонини ким тўлайди?

Яқинда бир газетада ёзилишича, Одесса шаҳрининг «мэри» бир туп дарахтни кесиб ўрнига қандайдир қурилиш учун рухсат берган учун, кўпчиликнинг норозилиги билан ишдан бўшашга мажбур бўлибди. Бизда-чи?..

Ҳайвонот дунёсини яхшилашда ҳам ишларимизни қайта қуришимиз керак. Илгарилари вилоятимиз ҳудудида, дарё ва канал бўйларида кўплаб турдаги ёввойи ҳайвонлар, ноёб қушларни учратиш мумкин эдн. Табиатга бўлган инсофсизларча муносабатимиз оқибатида кўп ҳайвонлар қочиб кетди. Ҳозир кўлларда оддий ёввойи ўрдакларнн учратиш ҳам амри маҳол бўлиб қолди. Ҳозиргача жумҳуриятимизда яшайдиган умуртқали ҳайвонларнинг 63 тури, қушларнинг 33 турн, сут эмизувчиларнинг 22 тури «Қизил китобга» ёзилган. Бу борада вилоят овчилар ва балиқчилар жамияти жамоатчи фаолларининг мадади ва кўмагига катта умнд боғлаймиз.

Фақат бирлашиб-биргалашиб ишлаш билан бу борада ижобий силжишга эришишимиз мумкин.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича ҳам алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак. Ўтган 5 ой мобайнида сувдан оқилона фойдаланиш қонун-қоидаларини бузган 89 нафар ташкилот раҳбарларига 135,9 минг сўм миқдорида жарима солиндн. Колхоз ва совхозлардаги аҳнол ўта ачинарли. Сув ресурсларидан фойдаланишда ҳисоб-китоб ишдан чиққан. Оқовалар дарё ва каналларга ташлаб юборилишига чек қўйилмаяпти. Жойларда сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатнома олиш асоссиз равишда кечиктириб юборилмоқда.

Аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар ўртасида табиат, атроф-муҳит тақдири учун масъулият уйғотиш, ана шу мақсадни кўзлаб кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш табиатни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражали вазифасидир. Сўнгги пайтда матбуотда, радиода табиатни муҳофаза этиш масалалари кенг ёритилмоқда. Вилоят газетасида ушбу масала бўйича энг яхши материаллар учун «Замин дарди — инсон дарди» рукни остида танлов эълон қилдик. Ҳар ойда бўладиган коллегия йиғилишлари тўғрисида матбуотда мунтазам ёритилиб борилмоқда.

Кўрғазмали ташвиқотга катта эътибор берилаяпти. Экологияга оид лекция пропагандасини янада жонлантириш ҳақида изланяпмиз. Кенг оммада Она-табиатни севиш, ардоқлаш, унга меҳр қўйиш туйғуларини шакллантириш айниқса муҳимдир.

Гўзалликни ҳис этмаган одам тошбағир, маънавий қашшоқ бўладн. Хоин ҳам, золим ҳам, дўст-биродарларига оқибатсиз ҳам фақат шундай одамлардан чиқади. Шу сабабли аҳолида, айниқса ёшларда она-табиатга меҳр, гўзаллик ҳиссини тарбиялаш бизнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бирн бўлиб қолмоқда.

Яқинда биз вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли мактаблар ва мактабгача бўлган муассасаларда экологик таълим ва тарбиянинг аҳволи тўғрисидаги масаланн коллегия йиғилишида муҳокама қилдик. Бу борадаги ишларимизни тубдан яхшилашимиз айниқса муҳим. Ҳозирда биз вилоятимиз халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда экологик таълимни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни кўряпмиз. Сентябрь ойида эса ушбу масала бўйича илмий-амалий конференция ўтказишни мўлжаллаяпмиз.

Хуллас, олдимизда табнат муҳофазасига онд катта вазифалар, бир-биридан долзарб экологик муаммолар турибди.

Уларни бажаришда табиатни муҳофаза қилиш органлари ва кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Эшонқул ОДИЛОВ,
Сирдарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи муовини.



Жаҳон 24 соат ичида

БМТ. РАТА-ТАСС мухбирининг хабарига қарағанда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳавфсизлик кенгаши август ойи мобайнида Тожикистон, Грузия ва Тоғли Қорабоғ тевараги даги вазиятни муҳокама қилади.

Хавфсизлик кенгаши раиси Мадлен Олбрайт хонимнинг айтишича, кенгашда БМТ бош котиби ўзининг Тожикистондаги махсус вакили Исмат Киттанига юкланган вазифа юзасидан маъруза қилиши белгиланган. Шунингдек, Хавфсизлик кенгашининг Грузиядаги аҳвол юзасидан 9 июлда қабул қилган 849-сон қарори билан Тоғли Қорабоғдаги вазиятга оид 853-сон қарорнинг бажарилиши кўриб чиқилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 29 июлда қабул қилинган Тоғли Қорабоғга алоқадор қарорда Хавфсизлик кенгаши Озарбойжоннинг босиб олинган барча туманларидан истилочи кучларнинг дарҳол чиқиб кетишини талаб қилган.

* * *

ТОКИО. Бош вазир Киити Миядзавага бошчилигидаги Япония ҳукумати вакилларн ёппасига истеъфога чиқди.

Чунки мамлакат конституцияси шунн тақозо қиларди. Токиода парламентнинг махсус сессияси иш бошлади. Бу сессия зиммасига 18 июлда бўлиб ўтган умумсайловлардан кейин депутатлар орасидан мамлакатнинг раҳбарини сайлаш масъулияти юкланган.

* * *

ПЕКИН. ХХР раиси Цзян Цзэминь 23 сентябрда Халқаро олимпиада ўйинларн қўмитасининг аъзолари тўпланишн кутилаётган Монте-Карло шаҳрига боришга тараддуд кўрмоқда.

Ҳукумат раҳбари 2000 йилги халқаро олимпиада ўйинларини ўтказиш жойи белгиланадиган йигинда шахсан қатнашиб, мазкур нуфузли спорт мусобақалари учун муносиб шаҳар сифатида Хитой пойтахти номзодини тасдиқлатишни мўлжалламоқда. Расмий маълумотларга кўра, 98 фоиз пекинликлар олимпиада ўйинлари ўз шаҳарларида ўтишини маъқуллашган.

* * *

НАЙРОБИ. Сомали пойтахтида жойлашган БМТ миссияси қароргоҳи тўплардан ўққа тутилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС мухбири.

Маълумотларга қараганда, маҳаллий жангарилар ҳозирда халқаро ҳарбий кучлар қўмондонлиги жойлашган собиқ АҚШ элчихонаси ҳудудига қарата миномётлардан отишган. Бинони қўриқлаётган тунислик аскарлар тажовузкорларга қарши ўт очишди.

Халқаро ташкилотнинг Сомалидаги вакили майор Дэвид Стокуэллнинг журналистларга маълум қилишича, отишма чоғида БМТ ходимларидан ҳеч ким шикастланмаган.

* * *

Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси, мусулмон жамоаси раҳбари А. Иззатбегович серблар Сараево яқинидаги стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Игман ва Белашница тепаликларидан ўз аскарларини олиб чиқиб кетиш мажбуриятини бажармади, — деб айтди. — Усиз мусулмон делегацияси Женевадаги музокараларга қайта олмайди.

А. Иззатбегович юқоридаги талаб бажарилиши учун жаҳон жамоатчилигини серб кучларига таъсир ўтказишга чақирди.

* * *

ВАШИНГТОН. Билл Клинтон Вашингтонда журналистларга АҚШ Югославияда Ироқдагидек фаол ҳаракат қилолмаслигини билдирди.

«У ерда бизнинг қуруқликда ҳаракат қилувчи кучларимиз йўқ. Ироқдагидек визият ҳам мавжуд эмас, — деди Президент.— Бироқ, бу масалада НАТОдаги иттифоқчиларимиз бизни ёқлаганлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кескинроқ чоралар кўриш ҳақидаги ниятни амалга оширишимизга мойиллиги яхши янгиликдир».

• *Мустақиллик ва таълим*

МАЪРИФАТНИНГ ХИРА ТОРТГАН КЎЗГУСИ

ЕХУД ПОЙТАХТДАГИ БАЪЗИ МАКТАБЛАРДАГИ АҲВОЛ ХУСУСИДА

Ана шу долзарб муаммо юзасидан сиз билан кўпдан буён дардлашишга чоғланаман, азиз ота-оналар, муаллимлар, ўқувчилар! Бугун, яъни ўқитувчиларнинг август кенгаши олдидан, таълим мазмуни ялписига янгиланаётган замонда, миллий мустақиллигимизнинг икки йиллик тўйи арафасида ушбу мавзуни бирров муҳокамадан ўтказиб олиш мавриди келди, назаримда. Хўш, пойтахт мактабларининг аҳволи қандай? Холис ва ҳаққоний хулосага келиш учун масалага бир неча жиҳатдан ёндашиб кўринг. Аввало, пойтахт мактабларининг савияси ҳозирги таълим-тарбия талаблари даражасига жавоб бера оладими? Таълим-тарбия бериш жиҳатидан пойтахт мактаблари туман ва қишлоқ мактабларидан анча илғор ҳамда юқори мавқеда турадими? Ўз-ўзидан, миллий мактаблар билан русийзабон мактабларни ҳам чоғиштирасиз. Пойтахт мактаблари фаолияти миллий мустақиллигимиз ғалабаларини мустаҳкамлашга яроқлими? Афсуски, баъзи пойтахт мактаблари бу каби қатор жиҳатлардан замон талабларидан орқада, кўнгил тўларли даражада эмас.

Камина мазкур аҳволнинг ўз фарзандларим қисматига ўтказаётган салбий таъсирини сезмаганимда, эҳтимол, махсус мақола ёзишга мажбур бўлмасмидим? Ўйлаб кўрилса, бу бир эмас, юзлаб оила — пойтахт халқининг ташвиши экан. Шунинг учун, айрим мактаб ва муаллимлар фаолияти зарурат юзасидан жиндай ошкор этилса, маъзур тутгайлар.

Аслн, таълим-тарбия сифатига мактабдан ҳам аввал болалар боғчаси масъул. Демак, дард боғчадан бошланади. Тўғрич фарзандим 408-русийзабон боғчада рус тилини яхши ўрганди, шу тилда маданият, маърифатга оид кўп нарса ўзлаштирди. Тарбиячилари уни русийзабон 91-мактабга олиб боришимни маслаҳат беришди. Шу йилларн ўзбек тилига давлат мақоми бериш, миллий мустақиллик учун кураш авжида эди. Давр руҳидан келиб чиқиб, фарзандимни, узоқроқ бўлса-да, 73-ўзбек мактабига бериб, бир адашдим. Миллий тарбия олсин деб, иккинчи фарзандимни ўша боғчанинг ёнгинасидаги 332-боғчанинг ўзбек гуруҳига бердим ва яна адашдим. Уни, қандай йўл билан бўлмасин, 408-боғчага кўчирмаганимга ҳамон ачинаман.

73-ўрта мактаб болалар маърифий ҳаётида қандай из қолдирди? Оллога шукр, биринчи фарзандим шу мактабда хат-савод чиқариб, бошланғич таълимни соғ-саломат тугалладн. Бунинг учун муаллимларидан миннатдорман. Лекин мен унинг синфбоши бўлгани, бошланғич мактабни аъло баҳолар ҳамда фахрий ёрлиқ билан якунлаганидан фахрлана олмайман. Негаки, мен билган пойтахт мактабларида баҳони ошириб қўйиш расм экан. Бундан ташқари, ёддаш учун ўқитувчи ёзиб берган тўрт қатор шеърда 4-5 та имловий хато бўларди. Тасаввур учун шу далиллар кифоя, бу мактабдаги таълим жараёнини муфассал таҳлил этиш тегишли мутасадди муассасалар ихтиёрига ҳавола. Мен мудом бошланғич таълим тугаши биланоқ, болани бошқа мактабга кўчириш хаёли билан тасалли топиб юрардим.

Аммо, бу тасаллини катта орзу-умидлар билан фарзандларимни топширганим — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги Абдулла Авлоний номли 40-ўрта мактаб ўтган ўқув йилида саробга чиқарди. Бу мактаб, ташқи томондан қараганда, ҳавасинг келадиган даражада. Янги қурилган уч қаватли мармардай оппоқ қаср. Синф хоналари кенг, ёруғ, қулай. Бинодаги улкан-улкан спорт саройлари, мажлис ва тантаналар саройи унча-мунча институтга насиб этган эмас. Ўқитувчилар хонаси, мажлис ва маданият саройлари, спорт саройларининг жиҳозланиши ҳам баъзи олий ўқув юртлари, маърифат масканларидан устун туради. Бундай шароит ва имкониятларни кўриб, мактаб жамоасининг катта маърифий-маданий, тарбиявий фаолиятига умид боғлайсиз. Афсуски, ушбу янги иморатда кечаётган таълим жараёни умид-ишончни оқламайди. Нега, нима сабабдан шундай? Назаримизда, ҳозирги замон мактабида таълим жараёнини янгилаш, маърифий кучларни шунга тўла-тўкис сафарбар этиш, асосан, илмий мудирга боғлиқ. Илмий мудирнинг дунёқарашн, савияси миллий мустақиллик мафкураси, маърифий янгиланиш жабҳаларига мутаносиб бўлиши зарур. Биз, албатта, мактабдаги барча фанларнинг ўқитилишини текширганимиз ёхуд таҳлил этолганимиз йўқ. Бу бир кишининг қўлидан келадиган иш ҳам эмас. Эҳтимол, айрим фанларнинг ўқитилиши талаб даражасидадир. Биз фақат баъзи фанларнинг ўқитилиши бўйича кузатишларимиз ҳамда мактаб илмий мудири билан шу кузатишлар асосидаги мулоқотларга таяниб фикр юритамиз.

Дастлаб, бизни тарих фанининг ўқитилиши жуда ташвишга солди. Чунки ёш авлодда Ватан тушунчаси, мустақил Ўзбекистонимизга муҳаббат, миллий ифтихор туйғулари тарихни англашдан пайдо бўлади. 40-мактабда эса ўтган ўқув йилида миллий тарих ўқитилмади ҳисоб. Ўқувчининг дафтарларини кузатар эканман, унга нуқул Россия тарихи, кейинчалик эса, собиқ СССР тарихи ўқитилаётганидан безовта бўлдим. Мактабга бориб, илмий мудирга учрасам, у менга собиқ Иттифоқ давридаги тарих ўқитишга оид дастур, услубий кўрсатма ва тавсияномаларни рўкач қилди. Унинг қатъий фикрича, шу эски дастуриламал асосида дарс ўтиш қонуний. Истиқлолдан 6-7 йил аввалги давр мактабига кириб қолгандек ҳис қилдим ўзимни. Наҳотки, миллий ўз-ўзини англаш, истиқлол учун кураш жараёнларидан бунинг ҳар қадамида кутубхона, китоб магазинлари мавжуд. илмий-маърифий муассасаларнинг жами пойтахтда.

Аниқлашимча, 40-мактабда икки тарих ўқитувчиси бор. Уларнинг бири илмий мудирнинг ўзи, иккинчиси, қачон сўрасам, касаллик таътилида юрган бир муаллим экан. Бир тарихчи касал, иккинчиси ташкилий ишлар билан овора бўлгач, тарих дарсини бошқа муаллим ўтади-да. Тасаввур қиласизми, мактабнинг илмий мудири тарих ўқитувчиси бўлатуриб, бошқа синфларни билмадим, менинг фарзандим ўқиган синфда бир йил мобайнида бирор соат тарих дарсини тарих муаллими ўтмаган. Тарихни илмий мудир ўтмаганига афсусланмайман. Чунки унинг қанақа дарс ўтишини бошқа ота-оналар айтиб беришган. Қайси соҳа мутахассиси бўлишидан қатъи назар, худо хайрини берсин, фанни яхши ўқитса, бўлди эди.

Мактабда, айниқса, адабиёт ва тарихдан саволлар асосида дарсликдан конспект ёздиришдек ярақсиз тажриба бор. Ўқитувчи ўша Россия ва собиқ СССР тарихига чинн ишлатмаса, буни қанақасига дарс дейиш мумкин? Мен шундай эътирозли мулоҳазалар билан мактаб маъмуриятига қайта-қайта мурожаат қилдим. Охири, бунинг ҳам осон йўлини топишди. Махсус маълумотга эга бўлмаган ҳалиги ўқитувчига жавоб беришдида, мазкур фанни умуман ўқитмай қўйишди. Мен тавсия этган икки талабгор ёш муаллимни ноумид қайтаришди. Илмий мудир эски ўзбек тили ва ёзувини ўқитишимиз шарт эмас, деб ҳам кўрди. Бу орада ойлар ўтди, учинчи чоракда бу фан деярли ўқитилмади. Ўқувчилар орқага кетди, зарар кўрди. Ниҳоят, ЎзФА Тил институтидан бир ёш мутахассисни топиб, мактаб маъмуриятига маъқул қилиниб эски ўзбек тили ва ёзуви таҳсили йўлга қўйилди. Ўқувчилар сабоқни яна алифдан бошладилар. Энди охири бахайр бўлсин.

Мусиқа сабоқларига оид бир кузатиш. Биринчи январда Ўзбекистоннинг мустақиллик мадҳияси ёдлаш учун топшнрилган. Орадан салкам икки ой фурсат ўтибдики, мадҳияни кўпчилик ёдламаганн баҳонаси билан бошқа янги нарса ўрганилмаган. Нақд икки ой беқорчилик. Қизиқ, нега баъзи ўқувчилар мадҳияни дарҳол ёдлайди-ю, бошқаларига ойлар мобайнида ёдлатиш ўқитувчининг қўлидан келмайди? Ўқувчидан дарсларнн қандай қилиб машғулотсиз ўтказиш мумкинлигини ўсмоқчилаб сўрайман. Маълум бўлишича, дарс бошланиб, бир оз вақт ўтгач, ўқувчилар овқатга олиб чиқилади, овқатдан кейин ўйналади. Шу куйи ашула дарслари ўтаверади.

Умуман, мактабнинг ҳозирги таълнми, баҳолари мутлақо ишончсиз. Бу менинг шахсий мулоҳазам эмас. Кўплаб ота-оналар билан фикрлашиш натижасида шундай хулосага келдим.

Мактабда юқори савиядаги маданий тадбнрлар ўтказиш ҳам қаноатланарли аҳволда эмас. Сўнгги йилларда деярли барча мактаб ва ташкилотлар Алишер Навоийн таваллуди кунларини махсус тайёргарлик ва тантана билан нишонлайдиган бўлди. Бу ўқувчиларга олам-олам илмий-маърифий, маданий озиқ беради. Мактабдаги таълим-тарбия жараёнини жунбушга келтиради. Таассуфки, 40-мактаб жамоаси Алишер Навоийдай сиймонинг таваллуд кунларини ҳам лоқайдлик билан, ғафлатда кечирди.

Снзнинг ҳам юрагингизни бир савол ўртаётгандир: Абдулла Авлнийдек маърифатпарвар сиймо яшаб, ижод этган ҳудудда жойлашган, шу зоти бобаракот таъсис этган, бугунда у кишининг номлари билан юритиладиган 40-мактаб нега шундай аҳволга тушиб қолди?! Ахир, яқин ўтмишда ушбу мактабдан жуда кўп маърифатли, мартабали кишилар етишиб чиққан-ку. Мактабнинг ночор аҳволга тушиб қолганига сабаб — унинг Халқ таълими вазирлигида эмас, Темирйўл вазирлигига қарашли эканида. Мен бу хусусда таълим вазирлигидаги усулиётчи дўстлар, Миробод тумани ҳокимиятидаги мутасадди шахслар, Миробод тумани халқ маорифи бўлими мудираси билан суҳбатлашиб, мушкулга кушойиш истаб кўрдим. Маълум бўлишича, мазкур мактаб фақатгина темирйўл бошқармаси таъминоти ва итоатида экан. Темирйўл бошқармасининг эса ўз мутасадди ва усулиётчилари боркн, улар мактабдаги таълим жараёни учун жон куйдирмайдилар. Тушунарлиқи, мактабни ҳеч ким текширмайди, назорат этмайди, Мактаб маъмурлари эса халқ таълими вазирлиги қарамоғидаги мактаблар сингари мажбурият ва масъулият сезмайдилар. Оқибатда, мактаб жумҳуриятдаги умумтаълим жараёни суръати, сифати, савиясидан жуда орқада қолиб кетган.

Миллий мустақиллигимизнинг ғалабаларини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан мактабга боғлиқ. 40-мактаб теварагида ўнлаб кўп қаватли уйлардан иборат бутун бошли янги мавзе қад кўтармоқда. Лекин кўпчилик ўзбеклар ёнгиналарида 40-мактаб турганн ҳолда, болаларини узоқдаги юқори савияли ўзбек ёхуд русийзабон мактабларга олиб борадилар. Улар чинакам билим берадиган маърифат маскани гадосндирлар. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, миллий мустақилликка эришдик ҳамки, нега айрим ўзбеклар фарзандларини рус мактабларига олиб боришдан қайтмадилар ва аксинча, русийзабон халқ ўз болаларини ўзбек мактабларига етаклаб келмаяпти? Бу жараён пойтахтда шуидай кечади. Вилоят, туман ва қишлоқлардаги ўзбек мактабларига рус, яҳудий, тотор, қозоқ, тожик миллати фарзандлари қатнаётганини кузатиш мумкин. Бу пойтахтдаги ўзбек мактаблари савиясининг русийзабон мактаблардан пастлигининг ҳаётий эътирофи эмасми? Менингча, қачон русийзабон халқлар ўз фарзандларини миллий мактабларимизга ихтиёрий равишда етаклаб келсалар, ўшанда чинакам миллий-маърифий мустақилликка эришган бўламиз. Ўшандагина русийзабон фуқароларимиз бизни маърифатли миллат сифатида тан олган бўлади. Жаҳоний шуҳратга эга илм-фанимиз, бой тарихимиз, минг йиллик адабиёт ва санъатимиз, гўзалликда мумтоз тилимиз борлиги миллий ғуруримиз ҳамда қимматли қадриятларимиздир. Ана шуларнинг барини мукаммаллигича таълим жараёнига сингдира олсак, русийзабон бнродарларимиз нафақат миллий мактабларимизга келадилар, бизни тан оладилар, тобе бўладнлар, балки ўзбекларга улуғ ва қудратли халқ сифатида ихлос, ҳурмат, муҳаббат пайдо қиладилар. Ўзаро миллий тотувлик, бирбирини тушуниш такомиллашади. Хуллас, маърифий мукаммалликка эришиш миллий мустақиллик ғалабасини мустаҳкамлашнинг муҳим омилндир.

Юқоридаги қиёслар нисбнй, албатта. Эҳтимол, русийзабон мактабларнинг ҳам ўртаҳоллари бордир. Ҳамма вилоят, туман ва қишлоқ мактабларининг савияси юқори эмаслиги, аксинча, пасайиб бораётгани ҳам аён. Буни йил сайин ўқишга келаётган илм толиблари тайёргарлиги яққол кўрсатиб турибди. Балки, пойтахтдаги баъзи мактабларгина аянчли аҳволга тушиб қолгандир. Лекин 40-мактабнинг аҳволини жиддий ўрганмай, тезкор амалий чора-тадбирлар кўрмай туриб, янги ўқув йилини бошлаб бўлмайди. Биз қуйидаги амалий тадбирларни таклиф этамиз: Халқ таълими вазирлиги, темирйўл бошқармаси, Миробод тумани ҳокимияти, Миробод тумани халқ маорифи бўлими, мактаб жамоаси, ота-оналар қўмитаси вакиллари иштирокида мактабдаги аҳволни ўрганиш; мактабни темирйўл бошқармаси ихтиёридан олиб Халқ таълими вазирлиги тизимига кўчириш; (Бу жуда мураккаб масала, чунки мактаб Темирйўл вазирлигининг ҳомийлиги ва таъминоти туфайли шу қадар кўркам, қулай ва бадавлат қурилган. Бундан ташқари, мактаб жамоаси темирйўл бошқармасининг қатор имтиёзларидан фойдаланиб келади. Маърифий жамоани бундай ҳомий ва имтиёзлардан маҳрум этмай вазиятдан чиқилса, яхши бўларди. Бунинг учун, ижоза топилса, мактаб моддий таъминот жиҳатидан темирйўл бошқармаси ҳомийлигн ва қарамоғида қолса-ю, таълимий-услубий томондан халқ таълими тизимига ўтказилса, маъқул бўларди); мактаб маъмурияти ва маърифий жамоасини сифат жиҳатидан янгилаш: ўқитувчиларнинг касби ва соҳасига лаёқатини текшириш ҳамда малака ошириш курсларига йўллаш; мактабнинг маданий, илмий-маърифий шахобчалари (тўғарак, кутубхона каби) фаолиятнни жонлантириш; мактабнинг фойдаланилмай ётган имкониятларини ишга солиш, жумладан, улкан спорт саройларида энг замонавий ва халқчил спорт турлари машғулотларини ташкил этиш, мактаб қурилиши лойиҳасидаги сув спорти ҳавзасини қуриб битказиш тадоригини кўриш; мактаб биноси қулайликларига таянган ҳолда, унинг пойтахт шаҳар марказида, барча транспорт воситаларига яқин жойлашганини ҳисобга олиб, у ерни катта маданий-маърифий марказга айлантириш, нафис санъат мактаби синғари ихтисослаштирилган билим даргоҳи ёхуд лицей, коллеж очиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Азиз муштарийлар, пойтахт — мамлакатимизнинг юзи ё юраги бўлса, пойтахт мактаблари миллий маърифатимизнинг кўзгусидир. Мазкур мақола шу кўзгунн тиниқлаштириш — пойтахт мактабларининг аҳволини яхшилашдек бегараз ният билан юзага келди.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

• *Бир шикоят изидан*

ХАЛОСКОРМИ, ЖАФОКОР?

Шифокорлар ҳақида гап кетганда «оқ халатли халоскорлар» дейишади. Бу бежиз эмас. Бироқ, шоли курмаксиз бўлмагани каби... Келинг яхшиси Қашқадарё вилоятидан келган Абдимурод Худойбердиевнинг дил нолаларига қулоқ тутайлик. Масала ойдинлашади-қолади:

«Шу йил март ойида укам Абдуқодирни Тошкентга олиб келдик. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси йўлланмаси билан Тошкентга онкология илмий тадқиқот олий илмгоҳига не-не машаққатлардан сўнг жойлаштирдик. Укамни текшириб кўрган даволовчи врач Одил Алиев ҳам, бўлим илмий раҳбари Назира Ёдгорова ҳам даволаш мумкинлигини айтишдн».

Уларнинг бу умидбахш сўзлари Абдуқодирнинг яқинларида унинг батамом дарддан халос бўлишига ишонч туғдирди. Абдимуроднинг эътирофича шифохонага ётқизилган биринчи ҳафтада укасининг аҳволи яхши бўлган. Бироқ...

«...дўхтирлар обдон текшириб, аниқ ташхис қўймасдан, укамга кимёвий даволаш усулини қўллагаилар. Кимёвий муолажадан сўнг у олти кун бехуш ётди. Биз яна дўхтирларга умид боғладик. «Ҳеч нима қилмайди, химиянн кўтаролмади, ўтиб кетади», деб далда беришди. Орадан икки кун ўтмасдан клиника бош врачи Баҳром Юсуповдан тортиб, даволовчи врачгача болани даволаб бўлмаслиги, шуннинг учун тириклигида олиб кетишимизни айтишиб, қўлимизга укамнинг тўртинчи даражали рак эканлнги ҳақндаги ташхис қоғозини бердилар. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига ёрдам сўраб қилган мурожаатларимиз ҳам бесамар кетди».

Шундан сўнг, Абдимурод «чиқмаган жондан умид» қилиб укасини Марказий Осиё темир йўллари бошқармасига қарашли шифохонага олиб боришганню у ерда сўнаёзган умид яна аланга олгани ҳақида ёзади. «Касали хавфли эмас, фақат буни жарроҳлик йўли билан даволаш лозим, — дейишди ва уларнинг тавсияси билан ТошМИ клиник шифохонасига учрашдик. Укамни текшириб кўрган врач Қўчқор Жўраев, унинг тез орада соғайиб кетишини айтди. Онламизнинг осойишталигини, қувончини қайтаргани учун профессор Қ. Жўраев, Б. Полвонов ва Азиза опалардан чексиз миннатдормиз. Қўлларингиз дард кўрмасин, дейміз...».

Мақоланн ёзишдан мақсадимиз шугина эмас. Нажот истаб келганларни ноумид қайтарган ва ўз бурчига бефарқ қараган институтнинг масъулиятни унутган айрим жафокорларн ҳақида ҳам сўз юритмоқликдир. Негаки, эртага Абдуқодирнинг қисмати сизнинг, менинг ёки яна кимнингдир бошимизга тушмайди, бу фожнавий аҳвол такрорланмайди, деб кафолат беришга ожизмиз. Хўш, ўтган ўтди кетди. Бола тузалибдику, ўтган ишни қўзғаш шартмикан, дегувчилар йўқ эмас. Бироқ, масаланинг яна бир томони борки, тўхталмасдан ўтиб бўлмайди.

Яқинда бир танишим наманганлик табиб бир-икки беморни оғир аҳволга келтириб қўйгани учун мазкур институт табнбни судга бергани ҳақида айтиб қолди. Бу нечоғли ҳақиқат, менга қоронғу. Лекин баъзи беморлар онкология институтидаги айрим шифокорлар мададидан умидини узиб сўнгги илинж билан табибга мурожаат қилишаётганини ҳам унутмаслик керак. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади:

Институтнинг айрим врачлари рак бўлмаган беморларга ўлим учун йўлланма беришлари мумкин экан-да?! Ахир нотўғри қилинган кимёвий муолажа Абдуқодирнинг ҳаётига салбий таъсир қилмаслигига кафолат борми?

Чўпон хато қилса даҳшатли фожиа эмасдир, лекин ўқитувчи билан врачнинг хато қилишга ҳаққи йўқ. Айтайлик, ншчи нотўғри детал ясаса, уни ўз ҳолига қайтариш, уй қийшиқ қурилса қайта тиклаш мумкин. Инсон тақдири билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Яқинда Абдимурод укаси Абдуқодир билан муҳарририятимизга кириб келди.

— Мен Олий Кенгашга арз қилгандим, — деди у. — Шундан сўнг онкологня институтидан мана бу қоғоз келди. Биз хатни қисман келтирамиз:

«Хатингизни олганимиздан сўнг бемор А. Иброҳимовнинг даволаш масаласи клиникада муфассал таҳлил қилиб чиқилди. Клиника бош врачи тиббиёт фанлари номзоди Б. Юсупов ва бўлим илмий раҳбари тиббиёт фанлари номзоди Н. Ёдгорова иштирокида бемор тарихи қайта кўриб чиқилди.

...Бош бўйин касалликлари бўлими ва ТошМИда (бурун-ютқум ангиофибромаси) қўйилган ташхиси айрилиқни (ташхисларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги) ҳисобга олиниб, онкологик хушёрлнк мақсадида беморни республика онкология илмий маркази (...М)да бир ойдан сўнг қайта текширув тавсия қилинади.

Комиссия ранси,
бош шифокор
ўринбосари
Х. ТЎЙИЖОНОВА».

— Укангизни қайта текширувга олиб келдингизми? — сўрайман Абдимуроддан.

— Йўқ. Мен уларга ишонмайман. Уларнинг берган ташхисларига кўра укам тўртинчи даражали рак билан аллақачон... Ишонмайман... Улар рак деб ташхис қўйишдан, «умид йўқ» дея жавоб беришдан олдин қаерда эдилар?

Дарҳақиқат ўша пайтда ҳам ишлашарди, ҳозир ҳам ишлашаяпти, балки бундан кейнн ҳам ишлашар.

Мен юқоридаги хатни ўқнгач, бир мақол ёдимга тушдн: «Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди». Билмадим, бу мақолни табобат соҳаси кишилари қандай изоҳлашар экан. Биз бу билан онкология илмий текшириш институти врачларнинг ҳаммалари «Жафокор» дейишдан мутлақо йироқмиз. Қўли енгил шифокорлар ғоят кўплигини ҳам эътироф этамиз. Бироқ айримлари...

Юқоридаги фактларни текшириш, айбдорларни аниқлашнинг ўз мутасаддилари бор. Бизнинг вазифамиз эса масалага холис турнб ёндошишдир. Токи, дарахтнинг оддий баргига ҳам бемаврид озор етмасин.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ТОШЭКС»: ЭКСКАВАТОР МУҲИМ, АММО...

«Тошэкс» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бир қараганда ўзига хос бўлмаган иш билан шуғулланаётганга ўхшайди. Собиқ Иттифоқда ягона бўлган, ботқоқлнк жойларда ишлайдиган экскаватор ишлаб чиқарадиган бу бирлашма яқинда жўхорини қайта ишлайдиган ҳамда мевааларни қуритадиган жнҳозлар ишлаб чиқаришга кнришди. Бундан ташқари, бирлашмада унча катта бўлмаган бетон қорийдиган ускуналар ҳамда кичик тракторларга мўлжалланган тележкалар ҳам ишлаб чиқариляпти.

Тошкентлик машинасозларни бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳозирги иқтисодий вазият мажбур қилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулот — экскаваторларни ҳозир ҳам Россия Федерацияси, Беларусдаги корхоналар жон деб сотиб олишаётган бўлса ҳам, уларни ишлаб чиқариш суръати пасайган. Бу ерда гап техниканинг қимматлиги ёки керакли ускуналарнинг етишмаслигида ҳам эмас. Харидорларга ҳозир сифат жиҳатидан буткул янги бўлган гидравлик машиналар зарур. Аммо, бундай машиналарни ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилишига ҳали анча бор. Шунинг учун ҳам бирлашма раҳбарияти Россиядаги энг йирик Тверь экскаватор бирлашмаси билан шартнома тузди. Тверлик машинасозлар тошкентлик ҳамкасбларини гидравлик ускуналар билан таъминлайдиган бўлдилар.

Фирма жамоаси бошқа жамоалар билан ҳам ҳамкорлнк қилмоқдалар. Шартнома бўйича Германнянинг «Маннесманн хандель АГ» фирмаси инги экскаваторнинг тажриба нусхаси учун гидранлика юборади. Демак, тошкентлик машинасозлар танлаб олнш имкоиига эга бўладилар. Табнийкн, улар ҳам пишиқ, ҳам арзонроқ маҳсулотларни танлайдилар.

Хўш, шундай экан, нима учун жўхорнни қайта ишлайдиган ускуна тайёрлашга кнришилди? Бунинг жавоби оддий. Жўхори ҳозирги тақчил шакарнинг ўрнини босиши мумкин. Бунинг учун унча катта бўлмаган ускуналар зарур. Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг қатор хўжаликлари жўхори ўстиришнн режалаштирмоқдалар. Тошкентлик машинасозларнинг маҳсулоти бу вазиятда деҳқонларга жуда қўл келади.

«Тошэкс»да ечилмаган муаммолар кўп, албатта. Аммо, бирлашманинг ижодкор жамоаси келажакни кўзлаб иш қилмоқда. Республикадаги, шунингдек, Қозоғистон ва Россиядаги заводлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган бирлашма бошқа йирик саноат корхоналари жамоаларининг хаёлига келмаётган зарур ашё ва жиҳозларни чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

И. САФАРГАЛИЕВА,
ЎзА мухбири.



Богдод туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг аъзоси Мадаминжон Қодиров оиласи билан жамоа хўжалиги боғидан 0,5 гектардаги мевали дарахтларни ўз парваришига олиб, 15 тонна мева топширишни мажбуриятини олишган эди. Шу кунларда етилган сарҳил мевалар тернб олинмб истеъмолчиларга жўнатилмоқда.

СУРАТДА: Мадаминжон оиласи Муқаддас ва Абдусамат-ва билан шофтолизорда.

Умарали ҚЎШБОҚОВ олган сурат.

• *Сиз кутган учрашув*

ФУТБОЛСЕВАР ватандошларимиз гарчи суҳбатдошимиз билан ҳаётда юзма-юз сўзлашмаган бўлса-да, унинг майдондаги ҳатти-ҳаракати, жамоа ғалабаси учун жонкуярлиги, дарвоза тўри томон йўл топа олиш маҳорати, ҳар бир тўп йўналтириши ортидан ўнта жамоадоши, қолаверса минглаб мухлислар қараб турганлигини қалбдан ҳис қила олиши учун «Бизнинг Шуҳрат» — дея ўзларига яқин олишади, яхши кўришади.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ «ШУҲРАТ»И

Спортда ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Бешафқат йиллар оқимида улар янгилари билан алмашиб боради. Футбол мухлислари ҳаётларининг серзавқ ўтишига сабаб бўлган Пеле «қироллиги» даврини, Гарринчанинг «тўп устида рақсга тушиши» пайтларини яхши эслашади. Кейинчалик у Блохин, Платини, Марадонанинг футбол санъатини қойилмақом қилиб бажариши замонлари билан алмашди. Бугун Бастен, Гуллит, Стоичков, Папен маҳоратлари ер юзидаги футбол шинавандаларининг кўз олдида гавдаланиб турибди. Шоядки, мустақиллик туфайли бизнинг ўзбек футболи ҳам дастлабки одимларини ташлаяпти, Шуни мамнуният билан айтишимиз мумкин, бизнинг ҳам майдонда фахрланишга арзигулик, мухлислар эътиборини қозонган «қаҳрамон»ларимиз бор. Улардан бири шубҳасиз Шуҳрат Мақсудовдир.

Ўзбекистон чемпионати старт олибдики, у футболсеварлар эътиборидан тушгани йўқ. Ўзининг чиройли голлари, ажойиб зарбалари, тўп билан санъаткорона муносабатда бўлиши билан ўйинғоҳларга файз бағишлаяпти. Мустақил чемпионатимиз мавқеини кўтаришга астойдил киришган ўзбек ўғлонларидан бири бўлгани учун ҳам у мухлислар ардоғида.

Шуҳрат билан мулоқотга киришишдан аввал шундай мулоҳазага бордик: мухлисларни ўзлари севган спортчининг ҳаётидан тортиб, ҳар сафар майдонга чиқишдан олдин қандай ўй суриши, ғалаба ёки муваффақиятсизликдан сўнг кўнглидан кечадиган изтиробу қувончигача, нимани яхши кўриши-ю, нимани хушламаслигигача қизиқтиради. Биз ҳам Шуҳратга имкон қадар мухлислар қалбидаги саволлар билан мурожаат қилишга уриндик.

Шуҳрат МАҚСУДОВ. 1970 йилда туғилган. Оилада учинчи фарзанд 1990 йил 19 октябрдан буён «Пахтакор» жамоасининг аъзоси. Биринчи марта «Пахтакор»нинг асосий таркибида собиқ СССР чемпионатининг «Торпедо» билан бўлган Тошкентдаги учрашувда майдонга чиққан. Биринчи тўпини МАСК (Москва) билан бўлган кубок беллашувида киритган. Ўзбекистоннинг биринчи чемпионатида ўн битта, бу йилги мавсумнинг биринчи ярмида ўн иккита тўп муаллифи бўлди. Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси.

— Шуҳрат, ўтган йили бутун мавсум давомида ўн битта тўп киритган эдингиз. Бу йил эса атиги 12 ўйинда 12 тўп киритишга муваффақ бўлдингиз. Баъзи мухлисларингиз бунинг сабабини Валерий Кечиновнинг бу йил «Пахтакор»ни тарк этганлиги билан изоҳлашяпти.

— Хабарингиз бор, ўтган йилги мавсумда тўрт марта устма-уст жароҳат олиб, имкониятим даражасида ўйнай олмадим. Дастлаб икки марта елкам чиқиб кетди. Кейин қошимнинг устидан жароҳат олдим, сўнг яна елкам... Бу йил худога шукр, жароҳатланмадим. Бу гарчи, ўйинларимдан тўла қониқмасамда, имкониятларимнинг бироз бўлсада очилишига олиб келди, деб ўйлайман. Мухлисларнинг кўпроқ тўп киритаётганлигимни Кечиновга боғлаётгани бир томондан олиб қараганда тўғри. Негаки, эндиликда «Пахтакор» собиқ СССР биринчилигидагидек бир-икки ўйинчини олдинга бошламаяпти, балки бутун жамоа бўлиб ҳужумкор, ранг-баранг ўйин кўрсатаяпти. Валерий иккаламиз кўпроқ охирги зарба бериш нуқтасида пайдо бўлардик. Энди эса... Албатта, киритган тўпларимда бутун жамоанинг меҳнати бор. Агар «Пахтакор» ҳимоя услубида ўйнаганда эди, мен шунча тўп киритмаган бўлардим, деб ўйлайман.

— Иккинчи миллий чемпионатнинг биринчи давраси тугади. У сизнингча қандай ўтди?

— Ўзларингиз газеталарда ёзяпсизлар. Албатта, ўтган йилгига нисбатан шиддатли кечяпти. Жамоалар ҳам бу йилги мавсумда анча кучли.

— Сиз учун «Пахтакор»нинг энг яхши ўйини қайси жамоа билан бўлди?

— Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси билан Жиззахда бўлган учрашув.

— Сабаб?

— Биз бу учрашувда «Нефтчи»га нисбатан, гарчи шу пайтгача уч марта мағлуб бўлган бўлсак-да, барибир кучли эканлигимизни исботладик.

— Демак, сизнингча «Пахтакор» айни дамда «Нефтчи»дан кучли?..

— Ҳа, «Пахтакор» одил ўйинда «Нефтчи»ни ютадилар.

— Унда бу йилги мавсумда, сизнингча, «Пахтакор» чемпион бўлади, шундайми?

— Э, тўхтанг, бу бошқа масала. «Пахтакор» собиқ Иттифоқ биринчилигида кўп йиллар қатнашиб келганлиги боис ўзига хос обрўга эга. Шунинг учун жумҳуриятимиздаги ҳар бир жамоа биз билан бўладиган учрашувга алоҳида тайёрланади ва бор маҳоратларини ишга солиб ўйин кўрсатади. Чунки бу ўйин натижаси ўша жамоа учун катта аҳамиятга эга. Ахир мухлисларнинг, «Пахтакор»ни догда қолдирди-я, дейиши катта гап. Ҳатто, ўша жамоа олий лигаии тарк этгудек бўлса ҳам «Пахтакор» устидан қозонилган ғалаба мухлисларни қалбига ёруғлик, келажагига умид бағишлаб туради. Қолаверса, «Пахтакор» республикамизнинг қайси ҳудудига бормасин, ўша учрашувга мухлислар кўпроқ келади. Уни қабул қилаётган жамоа ўз мухлисларидан ҳақорат эшитиш эмас, олқиш олиш учун ҳаракат қилади.

Шундай экан, «Пахтакор» бу йил чемпион бўлади, деб айтолмайман. Лекин шунга ҳаракат қиламиз.

— Бу йил ҳакамлар майдонга чиқишингизга беш марта тўғаноқ бўлишди. Бизнингча, ўша огоҳлантириш олишларингиз керак бўлмаган вазиятларда ўйин қоидасини бузишингиз орқасидан келиб чиқди. Ўша дамларда қоидани бузмасликнинг имкони бор эди-ку?

— Ҳеч футбол ўйнаганмисиз?

— Ўйнаганман. Ҳатто газеталар ўртасидаги биринчиликда учинчи ўринни олдик.

— Ҳакам хато қилган пайтлар ёки рақиблар билан баҳс-лашиб қолган вазиятлар ҳам бўлгандир?

— Ҳа, албатта.

— Ана, саволингизга ўзингиз жавоб бердингиз. Майдонга чиққандан сўнг киши маълум вазиятларда ўзини унутади. У биринчи навбатда сизга нисбатан адолатсизлик қилинган пайтда, айниқса, ҳакам томонидан. Тиббиёт нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам тинмай югуриб турилгач, танада қон юриши тезлашади. Шундан маълумки, қизишиб турган одамнинг асаблари адолатсизликка чидолмайди.

— Шу ерда яна бир савол туғилди. Ҳозир иккаламиз ҳам хома иссиқ бўлса-да, ҳар ҳолда футбол майдонида эмасмиз. Демакки, қонларимиз бафуржа юриб турибди. «Пахтакор» — «Навбаҳор» учрашувидаги бир вазият эсингиздами? Наманганликлар дарвозасига ўн бир метрлик жарима белгиланди. Чунки ҳимоячи сиз тепган тўпни қўли билан қайтарганди. «Навбаҳор» ўйинчилари жаримага норозилик билдириб, ҳакамга ташланишди. Негаки, улар сизни дарвозабон тутиб олган тўпни тепди, деб эътироз билдиришди. Албатта, вазиятга биздан кўра ҳакам, ҳакамга нисбатан сиз яқинроқ эдингиз. Кейинчалик ойнаи жаҳон ҳам бу вазиятни аниқ кўрсата олмади. Айтингчи, қизиқ устида дарвозабон қўлидаги тўпни тепмаганмидингиз?

— Каратэчиларнинг қўл зарбаси 900 килога, оёқ зарбаси эса бир ярим тоннага етар экан. Олий табақада ўйнаётган ҳар бир спорт устасининг оёқ зарбасини каратэчиларникига қиёсламасак ҳам ҳар ҳолда, қўл суякларини синдириб юбориш даражасида кучли. Ўша ўйинда дарвозабон олдини тўпни тутиб олиб, сўнг қўлидан чиқариб юборди. Агар у тўпни тутиб турганда эди, мен унга жароҳат етказган бўлардим.

— Марадоннинг жаҳон чемпионатида Англия дарвозасига қўли билан киритган тўпини эслайсизми?

— Тушундим. Марадона ҳам олдин тўпни бошим билан киритдим, деб туриб олганди. Кейинроқ унга видеода аниқ қилиб кўрсатишгач, «Йўқ, у менинг қўлимдан, худонинг қўли» деб қутилганди. Майли, сизнингча «Навбаҳор» дарвозасига тўпни худонинг «оёғи» тепган бўлақолсин. Лекин шуни айтиш керакки, ҳакамлар одил бўлса, эътирозга ўрин қолмайди. Шу жиҳатдан миллий чемпионатимиз бироз оқсаяпти. «Нефтчи» билан Жиззахдаги ўйинимизни хотирласангиз, бизнинг дарвозага 11 метрликдан тўп киритилди. Ваҳоланки, дарвозабон ҳужумчини йиқитишдан олдин Цараев ва Бозоров дарвозабоини туртиб юборишди, яъни ўйин қоидасини бузишди. Албатта, Бозоров ўрнида мен бўлганимда ҳам бироз айёрлик билан бўлса-да, дарвозага тўп киритишга ҳаракат қилган ва у каби дарвозабонни туртган бўлардим. Лекин ҳакам бизнинг дарвозабонга нисбатан қонда бузилганлигини инобатга олмай, унинг кейинроқ қоидани бузганлигини қайд этди. Оқибатда эса бизлар жабрландик. Бундай ҳолатда асаблар таранглашади-да, албатта.

— Сизларнинг ўша учрашувларингиздан олдин Ўзбекистон Футбол федерациясида инспектор ва ҳакамларнинг журналистлар иштирокида йиғилиш бўлди. Ўшанда Сиз, Шоймардонов, Кечинов каби Ўзбекистон чемпионатига мазмун, шиддат бағишлаётган истеъдодли ўйинчиларни бўлар-бўлмас сариқ ва қизил карточкалардан асраш керак, деган фикрлар айтилди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бу гап менинг учун янгилик. Бироқ нафақат бир-икки ўйинчини, балки барча футболчиларни шундай «бўлар-бўлмас»ликдан асраш лозим, деб ўйлайман. Ўйиннинг мазмуни ва натижаси қандай бўлишида ҳакам 50 фоиз рол ўйнайди. Шундай экан, бу масалага жиддий ёндошиш керак. Қолаверса, бу футболчилар ҳал қиладиган масала эмас. Фақат, биринчи даврa ҳақида қандай фикрдасиз, деган саволингиздан келиб муносабат билдираяпман, холос.

— Ҳозирги даврда бирор футболчи ярқ этиб кўринса, мухлислар бир томондан қувонишади, иккинчи томондан «буям хорижга кетиб қолмасайди», дея юрагига ғулғула тушади. Агар «Милан»дан таклиф тушса, сиз ҳам...,

— Нега гапнинг охирини ичга ютдингиз?

— Тўғриси, Сизнинг хорижга кетишингизни мухлис сифатида ҳечам истамайман.

— Эиди, ҳар қандай спортчи айни кунда спортчи. Худо кўрсатмасин, агар бирор ери лат еб, майиб бўлиб қолса, унинг келажаги учун ким жавоб беради? Шунинг учун ҳам у келажаги ҳақида айни маҳорати тобланган пайтда қайғуриши керак бўлади. Бу ёқда оиласи, рўзғор тебратиши лозим. Хорижга кетаётганларни шу маъноda тўғри тушунмоқ керак. Бу пулнинг кетидан қувиш эмас. Ёки унинг қалбида Ватан туйғуси йўқ дегани ҳам эмас. Хорижга чиқиш ҳақида ҳозирча ўйлаганим йўқ. Уйланяпман. Қолаверса, отам, онам, акаларим шу ерда. Қаерга борардим. Кейинги йилларда Ватанимизда спортга катта эътибор бериляпти. Футболимиз яқин йилларда жаҳон майдонига чиқса ажаб эмас. Уни Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам кафолатлаб турибди. Ўзбекистон ҳеч қандай хориждан кам бўлмай қолади ҳали. Ўша кунлар назаримда яқиндек.

— Рўзғор ҳақида гап очдингиз, қанча маош оласизлар?

— Буниси сир. Ҳатто жамоадошларимнинг қанча маош олишини билмайман. Ҳаммаси бошида тузилган шартнома асосида белгиланади.

— Учрашувлардан олдин бирор режим асосида овқатланасизларми? Врачлар вазиларингизга қараб тавсияномалар берадими ёки...

— Маълум учрашувдан бир кун олдин ҳаммамиз машғулот масканига йиғиламиз. Овқатланишимиз бир хил. Албатта, қандай таомлар берилаётганлигини врачларимиз ўша ерда кўрикдан ўтказишади.

— «Динамо» ва «Орол»нинг Ўзбекистон кубоги учун такрорий беллашувида самарқандликларнинг ҳомийларидан бири «Динамо»га ғалаба келтирган ўйинчи учун кўп миқдорда пул ваъда қилибди. Олдинги учрашувда «Орол» 2:0 ҳисобида ғалаба қилган, пул ваъда қилинган пайтда «Динамо» 3:1 ҳисобида ютаётган пайт экан. «Ётишмаётган» бир тўпини ҳужумчи Ҳамза Жабборов киритиб, мукофотни барча жамоадошларига бўлишибди. «Пахтакор»да ҳам одат шундайми?

— Ҳамзанинг ишини эшитиб, ҳурсанд бўлдик. Жуда маъқул иш қилган. «Пахтакор»ни бирор ўйинчиси учун ҳали бундай мукофот ҳадя қилингани йўқ. Тўғри, ўйинчиларга қимматбаҳо ваза, ойнаи жаҳон берилган пайтлар бўлган. Лекин уларни улашиб бўлармиди. Пул берса, табиийки, бизнинг жамоадагилар ҳам Жабборовнинг йўлини тутган бўлишарди.

— «Пахтакор»ни тарк этаётган Шквиридан мухбирлар «Жамоада сизнинг ўрнингизни босадиган ўйинчи борми?, деб сўрашганида, у «Ҳа, бор, лекин у ҳали жуда ёш», — дея Кечиновнинг исмини тилга олганди. Мухлислар у ёқда турсин биз журналистлар ҳам ўшанда «Пахтакор»да Кечинов деган ўйинчи борлигини билмасдик. Орадан бир йил ўтмай, Кечинов миллий чемпионатимизнинг «қаҳрамони»га айланди. Сизга ҳам шу савол: «Келажакда ким жамоада сизнинг ўрнингизни боса олади?»

— Дилмурод Назаров. Уям ҳали ёш. Лекин истеъдодли футболчи бўлишига ишонаман.

— Унинг бир неча марта майдонга тушганини кўрдим. Тўп билан ҳаракатлари Грузия футболчиси Гуцаевга ўхшаб кетар экан?

— Омон бўлсак, бошқа хислатларини ҳам кўрамиз.

— Яна жамоадошларингиз ҳусусида. Мухлислар Собир Ходиев билан қизиқишмоқда...

— МДҲ чемпионлари турнирида умуртқа погонасидан жароҳат олганди. Бошида муқим бир врачга қаратмай, унисидан бунисига кўчиб юрди. Оқибатда даволаниши чўзилиб кетди. Яқинда, августнинг охирида уйланмоқчи. Ҳазиллашиб, бу сенга охирги шифо бўлади, қандай қилиб майдонга чиқиб кетганингни билмай қоласан, дегандим.

— Айтинг-чи, ўйинингиз кимлар билан кўпроқ қовушади?

— Жамоамизнинг ўзагини ташкил қилган ярим ҳимоячиларимиз билан. Сизга маълумки, «Пахтакор» Ўзбекистонда ярим ҳимояси энг кучли жамоа. Ўнгда — Илҳом Шарипов, чапда — Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, марказда — Нўъмон Ҳасанов, ва албатта, Миржалол Қосимов. Шуларни машинамизнинг мотори дейиш мумкин. Ҳужумларнинг пировард натижаси уларнинг бошқарувига боғлиқ. Уларсиз менга йўл бўлсин.

— Ҳа, дарвоқе, жамоадошларингизнинг майдонда сизга «Ориф» дея мурожаат қилишгани қулоғимга чалинди. Бунда ўйин услубини ўзгартиришга қаратилган кўрсатма, ёки ўзига хос бошқа бир «сир» борми?

— Ҳеч қанақа сир йўқ. Тенгқурлар бир-биримизни ҳазиллашиб шундай атаймиз.

— Бокс бўйича жаҳоннинг вице чемпиони Ҳикматилла Аҳмедовдан «Оилангиздагилар ҳам сизга мухлислик қилишадими?» — деб сўрасам, «Ҳаммаси қаршн, отамдан бошқа» — деб жавоб берганди. Сизга-чи?

— Аксинча, ҳаммалари мухлис. Айниқса, дадам ёшликларидан ўзлари ҳам тўп тепганлари учунми, мени қўллаб-қувватлаб турадилар. Мен у кишидан кўп нарсаларни ўрганганман. Дадамни маҳаллада энг яхши футболчи бўлган дейишади. Ҳозир мактабда директор ўринбосари, жисмоний тарбиядан дарс берадилар. Жисмоний тарбия институтини тугатганлар.

— Акаларингиз ҳам спортчими?

— Йўқ.

— Охирги саволим. Дейлик, рақиб жарима майдонидасиз. Тўп ҳаводан келаяпти. Сиз шундай вазиятда нимага кўпроқ эътибор берасиз? Дарвозабоннинг қай ҳолатда турганигами, тўпни тўхтатмасдан тепиш ёки бош билан уришгами? Ёхуд ҳимоячиларнинг жароҳат етказмаслигининг олдини олишми?

— Бундай вазиятда кўпроқ гол уриш ҳақида ўйлайман. Сиз айтган ҳолатлар ҳужумчи томонидан кузатилмайди, балки ҳис қилинади...

«Халқ сўзи» мухбири
Расул ЖУМАЕВ
суҳбатлашди.

СУРАТДА: Ш. Мақсудов (чапда) жамоадоши. А. Маъруфалиев билан.

ЭЪЛОНЛАР

ОРГАНОМИНЕРАЛ— ЎҒИТЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРИ:

— экологик жиҳатдан тоза;

— ҳосил учун юқори самарали;

— уруғларни даволаш ва ҳосилдорлигини ошириш имконига эга.

Кўмир саноатида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик институтлари ҳамда Ўзбекистон кимё саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, кўмир қазиб олиш бўйича Ўрта Осиё ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги органоминерал ўғит фақат табиий элементлардан ташкил топгаи ва ҳар қандай ўсимлик ҳамда уруғларга самарали таъсир кўрсатади.

Ўрта Осиё, Узоқ Шарқ, Шимолий Урал, Германия, Испания, Хитой, Чехия ва бошқа мамлакатларда ўтказилган тажрибалар ҳамда санитария-гигиена экспертизалари янги ўғитнинг технологик ва экологик жиҳатдан тозалигини тасдиқлади.

Ўғитлар майда дон шаклида ишлаб чиқарилади, юқори агротехник афзалликларга эгадир. Барча ўсимликлар учун қўллашга, ҳосилдор уруғларни эрозиядан, нитратлар ошиб кетишидан сақлаш, ерни рекультивация қилиш ва бошқаларга мўлжалланган.

— уруғ экилишидан аввал, вегетация даврида сепнлади;

— бошқа ўғитларни қўллашга қараганда ҳосилдорликни 25% га оширади;

— ўсимликлар азот ва фосфорни ҳазм қилишинн 1,6—2 баравар оширади;

— маҳсулот сифатини оширади ва экологик тозалигинн таъминлайди;

Ушбу органоминерал ўғитлардан фойдаланиш табиий ўғнт (гумус) йиғилиши ва ҳосилдорлик оширилишини таъминилайди, аммо маҳсулот таинархи аввалгидан ошиб кетмайди.

Мурожаат учун манзилимиз: 700011, Тошкент, Ц-14 кварталн, 21-уй.

«Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Телефон: 44-38-14.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ИТ МУЗЕЙИ

БЕРЛИНЛИК Герхард Ласкенинг етти хонали уйида ишлаётган итлар музейи жаҳонда ягона ҳисобланади. У мучалнинг ит (1986) йилида очилган эди. Шундан буён ҳар йили 50 мингдан зиёд ишқибоз бу гўшани томоша қилишга келади. Уларнинг учдан бири болалардир. Кўргазмага 20 мингга яқин ит тасвири туширилган пуллар, маркалар, 220 та чинни буюм, кучук ҳақида ёзилган китоблар, значоклар, открнткалар, турли мусобақаларда итларга соврин сифатида берилган медаллар қўйилган. Энг муҳими томошабин музейдан совға сифатида ит жунидан тўқилган жемпер харид қилади.

ПИЁЗ ЯРМАРКАСИ ШВЕЙЦАРИЯНИНГ

Берне шаҳри аҳли ҳар йили ноябрь ойининг сўнгги душанбасида пиёз ярмаркаси ўтказади. Тарихнинг гувоҳлик беришича, бу таитана XV аср бошларида ҳам байрам қилинган экан. Ўшанда шаҳар ҳокимлиги пиёз сотувчиларга ўз маҳсулотларини фақат душанба куни ёки авлиё Мартин шарафига ўтказиладиган улкан универсал ярмарка фафасида сотишга рухсат этган эди. Шунга қарамай, пиёз ярмаркаси байрами йўқолиб кетмади. Саҳарданоқ Швейцариянинг барча бурчакларидан келган сотувчилар пештахталарни тўлдириб харидорларни кутишади. Шу куни 70—110 тонна пиёз сотнлади. Шаҳар марказидаги кўчалардан бири ва туташ майдон ана шу тантанага бўшатиб берилади. Шу куни байрам иштирокчилари пиёзли пирог, пиёздоғли сосиска билан сийланади.

ЮЗ ИЙЛДАН СЎНГ ШУҲРАТ КЕЛТИРДИ

ГЕРМАН Мелвиллнинг «Моби Дик» романи жаҳон адабиётининг энг юқори чўққиси ҳисобланади. Аммо асар илк дафъа 1851 йили 50 нусхада чоп этилган эди. Бироқ ана шу китоблардан бирортаси сотилмаганини кўпчилик билишмаса керак.

Екатеринбург шаҳридаги Афғонистон фахрийлари иттифоқининг Свердловск вилоят бўлимининг "ОПЫТ" бирлашмаси

СОЮЗ ВЕТЕРАНОВ АФГАНИСТАНА
"ОПЫТ"

Сизга ўз маҳсулотларингизни сотиш учун қулай имконият яратиб беради:

- рэкетдан 100 % хавфсизликни таъминлашга кафолат берилади;
- ҳамма қулайликлари билан меҳмонхоналар;
- омбор бинолари;
- амалий ва маданий ташрифлар учун автотранспорт ажратилади;
- ваколатхона хизматлари кўрсатилади;
- катта юк машиналари учун тўхташ жойи тайёрланади;
- маҳсулотлар учун хаклар 3 кун ичида нақд тўланади.

Буларнинг ҳаммаси маҳсулотларингизнинг Екатеринбург бозорида сотилган нархининг 15 % ҳисобига.
Бизга дархол қўнғироқ қилинг, бизда Урал бозорларидаги нархлар тўғрисидаги кундалик маълумотлар бор.

Алоқа телефонлари: 8(3432) 57-18-16, 51-91-08, 51-65-04
Тошкентдаги ваколатхонамиз: Қўйлик массиви-2, 3а-уй. Телефон: 90-23-93

ДИҚҚАТ

1993 йил 13 августдан 22 августгача «Ўзэкспомарказ» Республика савдо-кўргазма маркази 5-павильонида (собиқ ВДНХ) Эрон Ислом Жумҳурияти 40 етакчи фирмаларининг I-Тошкент савдо-саноат кўргазмаси бўлиб ўтади.

Иш соатлари: 10.00 дан 18.00 гача.

Манзилгоҳимиз: Ахир Темур кўчаси, 107-уй.

ЭНГ АРЗОН НАРХДА

«Тошкент» муҳандислик маркази «БОДРОҚ» (POP-CORN) жўҳори қовургич аппаратини таклиф этади.

Фақат бизнинг аппаратларга қилган ҳаражатларингизни 1—2 ойда чиқариб оласиз.

Телефонлар: 50-03-85, 50-05-90.

Манзилимиз: Тошкент, Фарҳод кўчаси, 10-а уй.

(Жанубий вокзал олдида, «Гипролес» лойиҳа институти).

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси институтнинг кекса профессори
Шариф МАРАСУЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси фалсафа ва сиёсатшунослик кафедрасининг доценти Ж. Абдуҳолиқовга онаси
Машира ЖУРА ҚИЗИнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладн.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эрнин ВОҲИДОВ, Миранвал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулақмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандахрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев,
навбатчи — О. Раҳимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—496. 96096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 23.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6